



POLITICAL RELATIONS BETWEEN THE WESTERN TURKIC KHAGANATE AND THE HEPHTHALITES

Y. K. Mukhamedov

Doctor of Philosophy (PhD) in Technical Sciences,

Senior Lecturer National University of Uzbekistan

mukhamedov-2017@mail.ru

Tashkent, Uzbekiston

ABOUT ARTICLE

Key words: Turks, Hephthalites, Tokharistan, Sassanids, Huns, Byzantium, Shahnameh, Sogdians, Ashina, Istemi, Gafar.

Abstract: This article examines the political relations between the Western Turkic Khaganate and the Hephthalite state, primarily based on information presented in written historical sources. In addition, the study involves a scholarly analysis and comparative examination of the academic works of researchers who have addressed this issue.

Received: 25.12.25

Accepted: 26.12.25

Published: 27.12.25

ҒАРБҲИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ВА ЭФТАЛИТЛАР ЎРТАСИДАГИ СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР

Y. K. Muxamedov

t.f.f.d.(PhD) katta o'qituvchi

O'zbekiston Milliy universiteti

mukhamedov-2017@mail.ru

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: турк, эфталитлар, Тўхористон, сосонийлар, хун, византия, Шоҳнома, суғд, ашина, Истеми, Гатфар.

Аннотация: Мазкур мақолада, Ғарбӣй Турк хоқонлиги ва Эфталитлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатларга қаратилган бўлиб, асосан ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар асосида ёритилган. Шунингдек мақолани ёзишда ушбу масала билан шуғилланган олимларнинг илмий тадқиқот ишлари илмий таҳлил қилиниб, қиёсий солиштириб тадқиқ қилинган.

ПОЛИТИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ МЕЖДУ ЗАПАДНЫМ ТЮРКСКИМ КАГАНАТОМ И ЭФТАЛИТАМИ

Ю. К. Мухамедов

Доктор философии (PhD) по техническим наукам, старший преподаватель

Национальный университет Узбекистана

mukhamedov-2017@mail.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: тюрки, эфталиты, Тохаристан, сасаниды, гунны, Византия, Шахнаме, согдийцы, Ашина, Истеми, Гатфар.

Аннотация: В данной статье рассматриваются политические отношения между Западным Тюркским каганатом и государством эфталитов, которые освещаются преимущественно на основе сведений, приведённых в письменных источниках. Также при написании статьи были проанализированы и сопоставлены научные исследования учёных, занимавшихся изучением данной проблемы, с применением сравнительного и аналитического подходов..

Кириш. Бугунги кунда икки йирик сулолалар тарихи Турк хоқонлиги ва Эфталитларни ўзаро алоқалари алоҳида мавзу сифатида атрофлича тадқиқ қилинмаганлиги мавзунинг долзарблигини аңлатади.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда иккита йирик дашт ери давлатлар Турк хоқонлиги ва эфталитларнинг шаклланиши жараёни тарихда кўп кузатиладиган ҳолатлардан саналади. Бироқ шу иккисидан бири ўз ҳарбий устунлигига кўра, кейинги давр тарихида катта ўринга эга бўлган.

Асосий қисм. Турклар ва эфталитлар тўғрисида сўз юритилганда, уларни келиб чиқиши ва ҳукмронлик қилган ҳудуд сарҳадлари, шунингдек турли келишмовчилик низоларга қадар бўлган ўзаро муносабатлари ҳақидаги маълумотлари озчиликни ташкил қилиб, асосан уларнинг сиёсий тарихи ҳарбий ҳаракатлари билан чекланганлигига эътибор қаратилиб, ташқи алоқалар масаласи назардан четда қолиб кетган. Мазкур масалани ёритишда аввало ҳар икки давлатнинг келиб чиқиши билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилиш лозим.

Маълумки, турклар ва эфталитларнинг келиб чиқишига доир маълумотлар асосан археологик материаллар (нумизматик, эпиграфик, деворий тасвирлар, сопол буюмлар) ва ёзма манбалар (хитой, араб, форс, юнон, бактрий, хинд, арман, сурёний, византия) орқали етиб келган. Мазкур манбалар таҳлилида ҳар икки сулолаларнинг шаклланган ҳудудлари,

аҳолининг келиб чиқиши этник таркиби, ижтимоий, иқтисодий - сиёсий ва маданий ҳаётига доир муҳим воқеалар келтирилган. Шунингдек, эфталийлар ва турк хоқонлигининг қўшни давлатлар ва империялар ўртасидаги алоқаларига оид муҳим маълумотлар жой олганлиги билан бошқа манбалардан ажралиб туради.

Турк хоқонлиги ва эфталитларнинг келиб чиқиши ҳақида айниқса эфталитлар борасида сўз борганида мазкур масала билан шуғилланган олимлардан: В.С. Соловёв, Б.И. Маршак, Б.И. Вайнберг, Э.В. Ртвеладзе, Б.Г. Гофуровларни келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, В.С. Соловьёв эфталитларни аجدодлари Помир ҳудудларида яшаган саклар билан боғлиқ эканлигини такидлаб ўтади[1],

Б.И. Маршак уларни хуннларнинг авлоди эканлигини келтиради[2], бу масалага ўзгача ёндошган Э.В. Ртвеладзе эса, археологик материалларга асосланиб, эфталийларни эроний тилга мансуб Тохористонда яшаган алхонлар билан бир деб қараган[3]. Этник жараёнларни илмий жиҳатдан таҳлил қилинганда, хионийлар, кидарийлар ва эфталийларнинг келиб чиқиши локал бўлиб, улар ўртасида ҳудудий ҳокимият алмашинуви ҳарбий қарама қаршиликларсиз содир бўлган. Мазкур ҳолатлар этник симбиоз жараёнларни юз беришига ҳам сабаб бўлган[4].

А.Н. Бернштам ҳам ушбу илмий ёндошувларни қўллаб қувватлаб ўрта ва қуйи Сирдарё ҳамда Амударё этакларини эфталитлар шаклланган ҳудудлар сифатида бериб ўтган[5]. Бундан шуни англаш лозимки, полоэтник гуруҳларни шаклланишида Ўрта Осиёнинг этник муҳити ҳам алоҳида ўринга эга бўлганлигини кузатиш мумкин.

Эфталитлар ва турклар борасида Арман тарихчиси Себеос, Сосоний ҳукмдори Перозни мағлуб этган теталлар (эфталлар)ни турклар билан боғлиқ эканлигини, “Хурмузд II нинг онаси турклардан эди”, - деб туркларни маскут (массагет)ларга алоқадорлигини билдириб ўтган[6].

Антик давр тарихчиси Прокопий Кесерийский ҳам эфталитлар ҳақида: “...улар (эфталийлар) бошқа хунн қабилалари каби кўчманчи эмаслар, аммо азалдан ҳосилдор ерларда ўтроқдурлар... Бир подшо томонидан бошқарилади ва қонуний давлатчилигига эгадурлар. Ўзаро ва қўшнилари билан румликлар ва форслардан кам бўлмаган адолатга роия қиладилар”, - деб ёзган эди[7].

Форс тилида битилган “Баҳман яшт” асарида эфталитларга қуйидагича таъриф берилган: эфталийлар турклар ёки қизил хионийлардир[8] деб уларнинг мансублигига айрим аниқликлар киритилган. Шу билан бирга эфталийлар ўзлари эгаллаган ҳудуд аҳолиси тилини ўзлаштирганлар. Масалан, нумизматик материаллар таҳлиliga кўра, Тохаристонда улар бактрий тилида гаплашганлар[9]. Хитой йилномаси “Бей ши”да

таъкидланишича: “улар (йеда – эфталийлар) гаогуй (уйғурларнинг) бир тармоғи бўлиб, урф-одатлари, бир қанча жиҳатлари билан турк (тукю)ларга ўхшаш” бўлган. Яна бир масала эфталларнинг “оқ” ва “қизил” ранглари орқали талқин қилинишидир. В.А. Лившиц Афросиёб деворий суратларидаги шахсларни “оқ хионлар” ва “қизил хионлар”, деб мулоҳаза билдиради[10]. Бундай бўлиниш қизил хун ва оқ хун тармоқлари, кейинчалик ҳам сариқ ва қора туркаш, оқ, сариқ, қора қипчоқ, сариқ уйғур каби бўлинишлар аслида туркий халқларда учратиш мумкин. Мазкур масал бўйича К. Шониёзов эфталийларнинг илк аجدодлари туркийлар билан бир қавмга мансублиги ҳақида фикр билдириб ўтган[11]. Суғдда улар суғдий тилни қабул қилганлар. Фақат айрим эфталий тили элементлари сақланган. Масалан, бухороликлар тилида *hayatila haytal* – “кучли одам” маъносини билдирган[12]. Араб, форс манбаларида эфталит атамаси хаятила мазмунида тилга олиниб, уларни халаж ёки канджина туркларидан келиб чиққанлиги келтирилади[13].

Умуман олганда, Эфталитлар ёки эфталит (оқ хунлари) Ғарбий Туркистонда яшаган турк-мўғул қабиласи бўлиб, улар Олтой тоғ этакларидан келиб чиққан хунлардир[14] деган илмий қарашлар ҳам илгари сурилган. Юқорида билдирилган маълумотларини илмий таҳлил қилинса, уларнинг ҳар иккисиди ҳам кўчманчилик уствор бўлганлигини кўриш мумкин. Демак, эфталитлар бу (оқ хунлар) деган қараш уствор эканлиги маълум.

Эфталитлар 467-470 ҳамда 480 йилларда Суғдни ва 479-510 йилларда Тохаристонни[15] эгаладилар. Улар сосонийларга қарши курашда маҳаллий аҳолидан мадад олди. Чунки қудратли сосонийлар давлатини енгишда эфталийларга нафақат ҳарбий куч, балки иқтисодий таянчи ҳам зарур эди. Эфталийлар маҳаллий маъмурий бошқарувга аралашмаган кўринади. Буни 509 йили Хитойдаги Судэ (Суғд) элчилигининг алмашуви[16] билан изоҳлаш мумкин. Аммо Эфталитларда давлат тузуми учун кучли қонун ва қоидалар жорий этилиб, жиноят қаттиқ жазоланган. Давлат қудрати унинг қуролли кучлари бўлиб, жангчилари моҳир камончи, қиличбоз, отлиқ-суворийлар эди[17]. Аммо манбаларда эфталийларнинг маҳаллий ҳокимият ва аҳолига нисбатан ҳарбий куч ишлатгани ҳақида маълумотлар учрамайди. Бу ҳамжиҳатлик этномаданий жараёнларда ҳам акс этди. Суғд ҳудудидаги эфталийлар эса маҳаллий аҳоли орасида ўтроқлашиб, зардуштийлик динини қабул қила бошлади. Буни “Шоҳнома”даги эфталитлар шоҳи номининг Фағанич - *Fâ’inîc* (суғдий *□’□n’yc*) – “илоҳий ҳукмдор”[18] маъносини англатишидан ҳам билса бўлди.

555 йилда ҳоконлик турклардан зарба учрагунча эфталитлар Марказий Осиё сиёсий ва этномаданий тарихида ўзига хос ўрин тутганлар. Сўнгра улар маҳаллий муҳитга сингиб

кетган[19]. Хусусан, Суғд ҳаётида ҳам эфталит компонентлар салмоқли бўлган. Буни суғдийларнинг туркийлашуви жараёни тезлашувига ҳам хизмат қилган, дейиш мумкин.

Туркларнинг ғарбга юришида Муқан хоқон номигагина иштирок этиб, асосий жанглар амакиси – Ғарбий чегара вилоятларига масъул бўлган Истеми ябғу (виз. Силзибул, Дизавул; араб. Синжибу; 575 йилда вафот этади) томонидан амалга оширилади. Турклар ғарбга жуан-жуанларни енгтач, яъни 554 йилдан юриш бошлаган бўлса[20]. 555 йилда турк қўшинлари Ғарбий денгизгача[21] яъни, Шарқий Туркистон, Еттисув ва Ўрта Осиёнинг бутун дашт зоналарини, Сирдарёдан Орол бўйларигача бўлган ҳудудларни қўлга киритган эдилар.

Ушбу ҳудудларнинг қўлга киритилиши туркларни эфталитлар билан бевосита қўшни бўлиб қолишига олиб келади. Лекин, улар ўртасидаги уруш тезда юз бермайди. Сабаби, эфталитлар Ҳиндистон уруши билан овора, қолаверса сосонийларнинг ҳужумидан ҳам хавфсираб шимолидаги туркларга қарши юриш бошламаган бўлса, турклар ҳам Волга бўйларига қочиб кетган душманлари жужан (авар)ларга қарши урушни охирига етказишни ўзларининг асосий мақсадлари деб билардилар. Ниҳоят, турклар 558 йили Волга ва Урал бўйларини ўзларига бўйсундирадилар[22].

Эфталитлар иттифоқчилари бўлган жужанларни йўқотгач, 553 йили Хитой билан алоқаларини яхшилашга киришади. Лекин бу пайтда Ғарбий Вэй давлати турклар билан иттифоқчига айланади[23]. Натижада, эфталитлар яккаланиб қолади. Мазкур даврда яна бир кучли империя Ғарбий Турк хоқонлиги тарих саҳнасига кириб кела бошлади. Хитой ва Сосонийлар давлати янги бир давлатнинг пайдо бўлишини хайрихоҳлик билан қабул қилишиб, Турк хоқонлиги билан алоқа ўрнатиб, унинг Эфталитларга қарши сиёсатини қўллаб қувватлай бошлайди. Бундай қулай фурсатдан фойдаланиб қолган Турклар аста секинлик билан Икки дарё оралиғи ерларини бирин кетин эгаллай бошлаб, эфталитлар чегара ҳудудларига яқинлашиб қоладилар. Бу вақтда Эрон сосонийлар ҳам қулай вазиятдан унумли фойдаланган ҳолда, эфталитларга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборадилар. Эфталитларни бундай ҳолатда ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш учун гарчи имкониятлари етарли бўлсада, бироқ улар икки фронтда жанг қилишлари ноқулайликни юзага келтирар эди.

Турк хоқонлигининг Эфталитларга қарши юришини Эрон давлати тўлақонли қўллаб қувватлаган ҳолда, биргаликда ҳаракат қила бошладилар. Эфталитлар ҳукмдори Гатфар Эрон Турк муносабатларига қарши ҳаракатлар олиб борса-да, бироқ ҳеч қандай натижага эриша олмайди. Турклар ва Эфталитларга қарши ҳал қилувчи жанг 565-567 йилларда бўлиб эфталитлар мағлубияти билан ниҳоясига етади. Мазкур жангдан сўнг омон қолган

баъзи этник қатлам Ҳиндистоннинг Шимолий ҳудудларига кўчиб кетадилар. Буни натижасида 567-568 йиллардан бошлаб ҳокимият турклар қўлига ўтиб, Ғарбий Турк хоқонлиги ҳудудларидан ўрин олади.

Хулоса. Турк хоқонлиги ва эфталитлар ўртасидаги ҳарбий юришлар хусусида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин.

1. Эфталитларнинг жуан жуанлар ва Вей сулоласи ўртасидаги иттифокнинг барҳам топиши ва бунинг натижасида эфталитларнинг яккаланиб қолиши;
2. Илк ўрта асрлар даврида юзага келган ички низолар ва зиддиятлар билан ўралашиб қолиб янги империя турк хоқонлигига қарши тура олмаганлиги;
3. Турк хоқонлиги ва Сосонийларнинг бир вақтда ҳарбий юришларни бошлаши буни натижасида икки фронтда жанг қилишнинг ноқулайлиги сабабли инкирозга юз тутган.

Умуман олганда, илк ўрта асрлар давридаги сиёсий ҳокимиятдаги ўзгаришлар ва ички низоларнинг авж олиши оқибатида ҳарбий қудратга эга бўлган эфталитлар сулоласи барҳам топган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Соловьев В.С. Средневековая культура Тахаристана (в. Свете раскопок в Вахшской долине). М., 1985. С. 30-36.
2. Маршак Б.И., Распопова В.И. Коченики и Согд // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-Ата, 1989. 416-426
3. Ртвеладзе Э.В. К. Истории эфталитов-алхонов // Творческое наследие народов Средней Азии и памятниках искусства, архитектуры и археологии (Тез. докл). Ташкент, 1985. С. 65.
4. Гюль Э.В. Симбиоз традиций в античном и средневековом искусстве Узбекистана как историко-искусствоведческая проблема // Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. – Тошкент, 2002. – С. 49–51.
5. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: ИВЛ, 1962. – С. 244; Бернштам А.Н. Очерк истории гуннов. – С. 197.
6. Маршак Б.И. К вопросу о восточных противниках Ирана в V в. – С. 64–65. Манба: [Себеос]. История императора Иракла / Сочинение епископа Себеоса, писателя VII века / Пер. с армян. К. Патканьяна. – СПб., 1862. – С. 75.
7. Enoki K. The Origin of the white Hung or Hephthalites // EW. – 1955. – Bd. VI. – № 3. – P. 235.

8. Bailey H.W. Hârahuna // Asiatica. Festschrift Fr. Weller. – Leipzig, 1954. – S. 13–14.
9. Лившиц В.А. К открытию бактрийских надписей на Кара-тепе. – С. 67; Henning W.B. The Bactrian inscription // BSOAS. – 1960. – vol. XXIII. – P. 51.
10. Лившиц В.А. Надписи на фресках из Афрасиаба. – С. 16.
11. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 131–136.
12. Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дьяконов И.М. О древней письменности Бухары //1954. – С. 157.
13. Баходиров Р. История Востока в “Ключах наук” // Шарқшунослик. – Тошкент, 2009. № 14. – С. 114.
14. Жданович О. Посолство Земарха с.7
15. Enoki K. The date of Kidârites. – P. 11–15; Гумелев Л.Н. Эфталиты и их соседи в VI в. // ВДИ. – 1959. – № 1. – С. 129–140.
16. Маршак Б.И. К вопросу о восточных противниках Ирана в V в. – С. 65; Enoki K. On the Nationality of the Ephthalites. – P. 1–58.
17. Пигулевская Н.В. Византийская дипломатия и Торговля Шелком в V-VII ВВ. Византийский Временник.\\ М. Академик Изд.- 1947. С.164.
18. Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дьяконов И.М. О древней письменности Бухары. – С. 157.
19. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 139–140.
20. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М., 1967. – С. 34.
21. Ғарбий денгиз – бу ерда Орол ёки Каспий денгизларидан бири кўзда тутилмоқда. Л.Н. Гумилев Фирдавсийнинг Истами ябғунинг чегараси: “Чин (Хитой)дан Жайхун (Амударё) қирғоқларигача ва Чочнинг у томонидаги Гулзариун (Сирдарё)гача” деб кўрсатиб ўтганлигини хисобга олиб, бу ерда Орол денгизини тушиниш керак деб хисоблайди. Қаранг: Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М., 1967. – С. 35.
22. Кляшторный С.Г. Хунны и тюрки // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Москва, 1992. – С. 133; Гумилев Л.Н. Древние... 1967. С. 35.
23. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М., 1967. С. 40.